ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc03/30.12.2019.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АГАБАЕВ ШАРАФ КУРБАНБАЙ ЎҒЛИ

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАР СИЁСИЙ ТОЛЕРАНТЛИГИ ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

УЎК: 32(575.1):316.647.5-053.6

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по политическим наукам

Contents of Dissertation Abstract
of the Doctor of Philosophy (PhD) on Political Sciences

Агабаев Шараф Курбанбай ўғли
Глобаллашув жараёнида ёшлар сиёсий толерантлиги жамият барқарорлигининг муҳим омили сифатида 3

Агабаев Шараф Курбанбай угли
Политическая толерантность молодёжи как важный фактор стабильности общества в процессе глобализации 23

Agabaev Sharaf Kurbanbay ugli
The political tolerance of youth in the processes of globalization is an important factor in the stability of society 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 48

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc03/30.12.2019.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АГАБАЕВ ШАРАФ КУРБАНБАЙ ЎҒЛИ

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАР СИЁСИЙ ТОЛЕРАНТЛИГИ ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Siyos21 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.nuu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Жўраев Парзулла Қосимович** сиёсий фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Мусаев Одил Рахматович** фалсафа фанлар доктори (DSc)
	Назаров Алишер Нариманович сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	**Тошкент давлат шарқшунослик университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc03/30.12.2019.S.01.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «10» декабрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона.)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (98 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 246-67-71; факс: (99871) 246-02-24.).

Диссертация автореферати 2020 йил «26» ноябрь куни тарқатилди.
(2020 йил «10» декабр даги 23 рақамли реестр баённомаси.)

Ш.И.Пахрутдинов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор

О.Р.Мусаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, фалсафа фанлари доктори. (DSc)

Б.Т.Тўйчиев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Глобал миқёсда кечаётган ижтимоий-сиёсий тенденциялар ёшлар ўртасида сиёсий маданият ва толерантлик ғояларини тарғиб қилишни долзарб вазифа сифатида қўймоқда. Мамлакатларнинг тарихий истиқболи кўп жиҳатдан ёшлар қатлами қандай сиёсий қадриятлар, ғоя ва анъаналар билан тарбия топаётганига боғлиқдир. Шунингдек, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти, демократик асослар ва фуқаролар ижтимоий тафаккурининг тараққиёти, асосан, ёшлар сиёсий толерантлиги кўрсаткичи орқали баҳоланиши мумкин. Сўнгги йилларда сиёсий толерантлик категорияси ва унинг ёшлар дунёқарашини шакллантиришдаги ролини тадқиқ этиш ижтимоий-сиёсий фанлар олдида турган долзарб илмий йўналишга айланиб улгурган.

Узоқ вақт давомида ёшлар муаммолари ва ижтимоий эҳтиёжларининг сиёсий жараёнлардан узилган ҳолда кечиши ёшлар қатламидаги сиёсий фаоллик ҳамда маданиятга салбий таъсирини кўрсатди. Мазкур ҳолатда, ўзида бағрикенглик, ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва самарали ижтимоий муносабатлар каби умуминсоний қадриятларни қамраб олган феномен сифатида сиёсий толерантликни шакллантириш ва тобора янги компонентлар билан бойитиб бориш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ёшлар сиёсий толерантлигини тадқиқ этишнинг долзарблиги шундаки, у жамият ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий ҳолатининг ўзига хос матрицаси ҳисобланиб, тараққиётнинг асосий мезонларини ўзида қамраб олади. Унда ёшларни давлат сиёсатининг объекти эмас, балки барча ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фаол субъекти сифатида намоён бўлиши катта аҳамиятга эга. Шу ўринда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: «Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш,... ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялашдир»[1]. Шу боис ҳозирда жамиятимизда ёшлар сиёсий толерантлиги феноменининг назарий асосларини ривожлантириш ва амалиётга татбиқ этиш механизмларини доимий равишда такомиллаштириб боришни тизимли равишда тадқиқ этиш эҳтиёжи ушбу масаланинг долзарблигини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамлеясининг 2018 йил 12 декабрдаги «Маърифат ва диний бағрикенглик тўғрисида»ги 73/128-сон резолюцияси ҳамда 2019 йил 29 январдаги «Сиёсий фанлар соҳасида кадрлар тайёрлаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4139-сон Қарори ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқи. (электрон манба) http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017

даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика илм-фан ва технологиялар ривожланишининг
I. «Жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, маънавий қадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихи ҳамда таълимнинг узвийлик ва узлуксизлиги, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий глобаллашув жараёнларида ёшлар сиёсий толерантлигини шакллантириш билан боғлиқ илмий муаммо миллий ва ҳорижий тадқиқотчилар томонидан таҳлил қилинишига қарамасдан, мазкур ижтимоий-сиёсий воқеликнинг очилмаган томонлари бисёр. Бугунги кунгача бўлган тадқиқотларда, асосан, анъанавий ёндашув асосида сиёсий толерантлик феномени ёритилган. Лекин, шундай бўлса-да, ёшларда сиёсий толерантликни очиб бериш, унинг шахс ва жамият ҳаётидаги ўрнини таҳлил қилишда қамраб олинмаган жиҳатлар ҳам мавжуд.

Европа ижтимоий-сиёсий тафаккури ривожида толерантлик концепцияси долзарб аҳамият касб этган. Даставвал, мазкур категория Р.Болоу, Ж.Катц, Б.Килар, Р.Лейт, Т.Лион, К.Недерман ва бошқа тадқиқотчи олимлар[2] асарларида диний бағрикенглик шаклида тадқиқ этилади. Мазкур олимлар жамият секуляризациясида диний бағрикенглик ва конфессияларо тотувлик тенденцияларини толерантликнинг тарихий тажрибалари сифатида талқин қилишган. Шунингдек, Х.Макклоски[3], М.Презелески[4] ва П.Николсонлар[5]нинг тадқиқотларида «толерантлик» тушунчасига, энг аввало, ахлоқий категория сифатида қаралиб, шахс ва унинг ижтимоийлашувида мазкур феномен алоҳида аҳамият касб этиши кўрсатиб ўтилган.

Сўнгги йилларда сиёсий фанларда толерантликнинг амалий аҳамияти борасида бир қанча тадқиқотлар олиб борилди. Бу борада Г.Маркузенинг толерантликнинг давлат бошқаруви, сиёсий жараёнлар ва жамият ижтимоий тизимига таъсирига қаратилган таҳлиллари диққатга сазовордир. Миллий ва глобал миқёсда кечаётган сиёсий жараёнларда толерантлик концепциясининг ўрни ва ролини очиб беришда М.Уолцер[6], Ж.Будзишевский, М.Корбетт,

---

[2] Barlow Richard B. Citizenship and Conscience: A Study in the Theory and Practice of Religious Toleration in England During the Eighteenth Century: High School, 1962; Carey G. Religious tolerance// The politics of toleration in the modern life/ Ed. By Mendus S. - Durham: Duke univ. press, 2000. - P. 3 - 27; Garnsey P. Religious toleration in classical antiquity: Persecution and Toleration. - Oxford: Nuffield college, 1984; Hillerbrand Hans J. Religious dissent and toleration //Tolerance and movement of religious dissent in Eastern Europe// East European Quarterly. - Boulder: BVN, 1975. - P. 2 - 16; Katz J. Exclusiveness and tolerance. Studies in the Jewish-Gentile relations in medieval and modern times. - Oxford: Clarendon Press, 1961; Kiraly Bela K. Tolerance and Movements of Religious Dissent in Eastern Europe. - New York / London: Free Press, 1975; Leigh Ralph A. Rousseau and the problem of tolerance in the 18th century. - Oxford: William Heinemann Ltd., 1979; Lyon T. The Theory of religious liberty in England (1603-1639). - New York: Academic Press, 1976; Nederman Cary J. Difference and dissent. Theories of tolerance in medieval an early modern Europe. - Lanham / London: Seminar Press, 1996; Tazbir J. A State without Stakes: Polish Religions Toleration in the 16th and 17th Century. - New York: Academic Press, 1973.

[3] McClosky H., Brill A. Dimensions of Tolerance. - New York: Free Press, 1983.

[4] Przelecki M. What does it mean to be tolerant in moral issues? - Warsaw. - 1997. -№ 5/6. - P. 115 - 121.

[5] Николсон П. Толерантность как моральный идеал //Толерантность. Вестник Уральского межрегионального института общественных отношений. - 2002. - № 1. - С. 97-111.

[6] Уолцер М. О терпимости - М.: Идея-Пресс, Дом интеллектуальной книги, 2000.

Е.Дионне ва бошқалар[7]нинг қарашларига эътибор қаратиш лозим.

Россиялик олимлар орасида В.А.Лекторский ўзининг толерантлик феноменининг фалсафий-сиёсий таҳлилларида, маданиятлараро мулоқот жараёнида толерантликни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича тўртта модель ишлаб чиқади[8]. В.Скворцов эса толерантлик омилини инсоният тафаккурининг ўта мураккаб ва маданий хусусияти сифатида талқин этади[9].

Шунингдек, ижтимоий-сиёсий фанлар доирасида толерантликнинг жамият сиёсий тизимининг ажралмас қисми сифатидаги илмий талқинини Ю.А.Гаюрова, Л.Д.Гудков, Н.М.Лебедова ва бошқалар[10]нинг тадқиқотларида кузатишимиз мумкин. Улар, асосан, толерантликни сиёсий маданият ва давлат сиёсатининг ғоявий-мафкуравий асоси сифатида таҳлил этишади. Г.М.Денисовский, П.М.Козырова ва З.Х.Саралиева[11]лар асарларида Россия жамиятида сиёсий плюрализмни таъминлаш, барқарор ривожланиш ва ҳуқуқий тартиботни ўрнатишда толерантлик омилининг роли эмпирик тадқиқотлар асосида очиб берилган.

Ўзбекистонда толерантлик ва унинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан боғлиқ бир қанча тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, толерантлик феноменини ахлоқшунослик нуқтаи назаридан Х.Шайхова, Э.Умаров, А.Шеровлар тадқиқ этишган бўлса, З.Қодирова, Б.Каримов, А.Шаропов ва Э.Каримовалар ёшлар ижтимоий фаоллиги ва уларда толерантлик кўникмаларини шакллантириш механизмлари борасида илмий изланишлар олиб боришган[12]. А.Саидов, Р.Убайдуллаева, М.Нурматова, О.Отамирзаев[13] каби олимларнинг асарларида бузғунчи ғоялар, терроризм ва диний ақидапарастликнинг олдини олишда ёшларда толерантлик маданиятини шакллантириш концептуал жиҳатдан тадқиқотга тортилади. М.Хажиева[14] ва А.Мирзахмедов[15]нинг илмий изланишларида, асосан, толерант фалсафий дунёқараш ва унинг ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясига таъсири борасида

---

[7] Budziszewski J. True Tolerance: Liberalism and the Necessity of judgment. - Boston: Beacon, 1999; Corbett M. Political tolerance in America. New York: Longman, 1982; Dionne E.J. Tolerating Our Differences. - Washington Post. - 1997. - August, 12; Mendus S. Toleration and the limits of liberalism/Houndmills ets.: Macmillan, 1989; Mueller J. Trends in political tolerance. New York. 1988.-№ l.-P. 1 - 25; Taylor Ch. Multiculturalism and "the Politics of Recognition". - Princeton: Princ. University, 1994.

[8] ЛекторскийВ.А. О толерантности // Философские науки. 1997. — № 3 - 4. - С. 14 — 18; Лекторский В.А. О толерантности, плюрализме и критицизме // Вопросы философии. 1997. — № 11. - С. 46 - 54.

[9] Скворцов Л.В. Перспективы толерантности // Человек: образ и сущность (гуманитарные аспекты). Толерантность и архитектоника эмоций/ Под ред. Л. В. Скворцова. -М.: ИНИОН РАН, 1996. - С. 8 - 46;

[10] Гаюрова Ю.А. Культурные ценности как детерминанты межэтнической толерантности — интолерантности //Идентичность и толерантность: Сб. ст./ Под ред. Н.М. Лебедевой. -М.: Ин-т этнологии и антропологии РАН, 2002. -С.2I4-243; Грабарник Т. Н. Этнический компонент самосознания московских школьников/ МГУ им. М.В. Ломоносова; Т. Н. Грабарник. -М., 1999. - 21 с. - Деп. в ИНИОН РАН 12.01.2000, № 55280; Гудков Л.Д. Этнические стереотипы населения: сравнение двух замеров// Экономические и социальные перемены: мониторинг общественного мнения. Информационный бюллетень. 1995. - № 3. - С. 14-16;

[11] Денисовский Г.М., Козырева П.М. Политическая толерантность в реформируемом российском обществе второй половины 90-х годов. - М.: Центр общечеловеческих ценностей, 2002; Козырева П.М. Толерантность и динамика социального самочувствия в современном российском обществе. - М.: Центр общечеловеческих ценностей, 2002; Саралиева З.Х. Молодежь XXI века: толерантность как способ мировосприятия. - Нижний Новгород: Нижегор. гос. ун-т, 2001.

[12] Ушбу муаллифларнинг тадқиқотлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

[13] Ўзбекистон – бағрикенг диёр. –Тошкент: Ўзбекистон, 2007. 279 б.

[14] Хажиева М. Ўзбекистонда демократик жараён. – Тошкент. Abu Matbuot konsalt, 2008. 127 б.

[15] Мирзахмедов А. Культура толерантности и религиозный экстремизм. –Тошкент: Фал.ва ҳ.и., 2008. 146 б.

фикрлар ўрганилган.

Шунингдек, сиёсий толерантлик ва ёшлар сиёсий маданиятининг шаклланиши, илмий категориялари, унинг тарихий ривожланиши, норматив ва институционал асослари ҳамда ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш жараёнининг маънавий асослари борасида сиёсатшунос олимлар: Ш.Пахрутдинов, И.Эргашев, Н.Жўраев, А.Муминов, М.Қирғизбоев, Р.Жумаев, С.Жўраев, В.Қўчқоров, А.Жалилов ва бошқалар[16]нинг тадқиқотлари диққатга сазовордир.

Шундай қилиб, давлат ва жамият ҳаётини демократлаштиришда ёшлар сиёсий маданиятининг айрим қирраларини очиб беришга қаратилган кўплаб илмий изланишлар олиб борилган бўлса-да, бугунги кунда глобаллашув даври нуқтаи назаридан ёшларда толерантлик сиёсий маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнлари юртимиз илмий жамоатчилигида етарлича тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-20170928710-сонли «Ҳаракатлар стратегиясини бажариш даврида мамлакатимизда маънавий хавфсизликни таъминлаш масалалари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жамиятимизда ёшлар сиёсий толерантлиги шаклланишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ҳамда янгиланаётган Ўзбекистонда толерантлик ижтимоий-сиёсий феномени ролини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сиёсий фанларда сиёсий толерантлик категорияси бўйича дастлабки қарашлар, уларнинг ривожланиш босқичлари, бу борадаги илмий-назарий тадқиқотларни тизимлаштириш;

ёшларда сиёсий толерантлик маданиятини шакллантириш жараёнларини тадқиқ этиш бўйича назарий-методологик ёндашувларни таҳлил қилиш, уларни қиёсий ўрганиш, моҳиятини очиш ва турли илмий ёндашувлар асосида аниқлаштириш;

Ўзбекистон жамиятида сиёсий толерантликнинг миллий-тарихий ва замонавий кўринишларини тадқиқ этиш, мамлакатимизда ёшлар сиёсий толерантлиги феноменининг ўзига хос хусусиятлари ва истиқболларини илмий баҳолаш;

мамлакатда ёшлар ўртасида сиёсий толерантликнинг ривожида давлат ва фуқаролик жамияти институтлари иштирокини кучайтириш борасида таклиф ва хулосалар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини сиёсий толерантлик феномени ва унинг ёшлар ижтимоий тафаккурига таъсири ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети ёшларда сиёсий толерантликни шакллантириш механизмлари ва ривожланиш тенденциялари, замонавий глобал сиёсий жараёнларда толерантлик маданияти, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти

[16] Ушбу муаллифларнинг тадқиқотлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

ривожланиши асносида толерантлик омилининг роли каби масалалар ҳамда функционал таҳлилидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимли таҳлил, моделлаштириш, экстраполяция, қиёсий таҳлил, социологик сўров ва эмпирик кузатув усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат, самарали ижтимоий алоқалар каби омилларга таянадиган сиёсий толерантлик феномени мамлакатда сиёсий барқарорлик ва маънавий қадриятларни мустаҳкамловчи муҳим индикатор эканлиги асосланган;

мамлакатимизда ёшлар сиёсий толерантлигини ривожлантириш борасида фаолият олиб борувчи давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги (давлат+Ёшлар агентлиги, давлат+жамоат ташкилотлари, давлат+нодавлат ташкилотлар каби кўринишларда) ижтимоий шерикчиликка асосланиши лозимлиги очиб берилган;

толерантлик маданиятини шакллантириш ёшларнинг бузғунчи ғоялар, «оммавий маданият» ва криминогенлашувининг олдини олувчи феномениал ҳодиса сифатида эътироф этилиб, жамият тараққиётида когнитив асос бўлиб хизмат қилиши илмий асосланган;

сиёсий ижтимоийлашувнинг генезиси ва намоён бўлиш хусусиятлари аниқлаштирилган ҳамда ёшларда сиёсий фаоллик, ватанпарварлик, эркин фикрлаш, ўзлигини англаш, манфаатдорлик каби хусусиятлар мониторингини олиб бориш мезонлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жамиятимизда толерантлик омилининг ижтимоий-сиёсий асосларининг шаклланиши, ривожи ва янада сайқалланиб бориши юзасидан концептуал илмий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган;

хорижий ва миллий тажрибани қиёсий жиҳатдан ўрганиш асосида Ўзбекистонда диний ва дунёвий толерантликни ривожлантириш концепциясини ҳаётимизга самарали татбиқ этиш бўйича амалий тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий изланишнинг назарий ва амалий тадқиқот методлари ҳамда мавзу юзасидан назарий ва ижтимоий-сиёсий маълумотларнинг таҳлил этилганлиги, бундан ташқари, республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, амалий таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти давлат ва жамият сиёсий ҳаётида толерантлик маданияти, унинг ижтимоий-сиёсий ва миллий-маънавий асосларини ўрганишнинг назарий жиҳатларини янада бойитиш, олий таълим муассасаларида давлат ва жамият бошқаруви билан боғлиқ фанларни ўқитишда, маъруза матнлари ҳамда ўқув ва ўқув-методик қўлланмалар

яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ижтимоий сиёсат билан шуғулланувчи давлат бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятида қўллаш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ижтимоий ҳаётимизни модернизация ва ислоҳ қилишда толерантлик омили, ёшларда фаол фуқаролик позицияси ва маънавий-ахлоқий қадриятларимизни мустаҳкамлаш борасида ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тадқиқот натижалари асосида:

ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат, самарали ижтимоий алоқалар каби омилларга таянадиган сиёсий толерантлик феномени мамлакатда сиёсий барқарорлик ва маънавий қадриятларни мустаҳкамловчи муҳим индикатор эканлиги, шунингдек, толерантлик маданиятини шакллантиришнинг ёшлар маънавиятсизлиги, «оммавий маданият» ва бошқа турдаги бузғунчи ғояларнинг олдини олишдаги ролига доир илмий хулосалардан умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг 8-синфи учун яратилган «Тарбия» дарслигини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2020 йил 11 ноябрдаги 01/11-01/5-1298-сон маълумотномаси). Натижада, диссертацияда илгари сурилган илмий хулосалар марказ томонидан тайёрланган дарсликнинг назарий жиҳатдан такомиллашувига хизмат қилган;

мамлакатимизда ёшлар сиёсий толерантлигини ривожлантириш борасида фаолият олиб борувчи давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги (давлат+Ёшлар агентлиги, давлат+жамоат ташкилотлари, давлат+нодавлат ташкилотлар каби кўринишларда) ижтимоий шерикчиликка асосланиши лозимлигига оид хулосалардан бакалавриат барча таълим йўналишлари учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 майдаги 285-сонли буйруғи асосида нашр этилган «Фуқаролик жамияти» номли ўқув қўлланмасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 ноябрдаги 89-03-4820-сон маълумотномаси). Натижада, диссертацияда илгари сурилган хулоса ва тавсиялар мазкур ўқув қўлланманинг назарий асосларининг кучайишига катта ҳисса қўшган;

толерантлик маданиятини шакллантириш ёшларнинг бузғунчи ғоялар, «оммавий маданият» ва криминогенлашувининг олдини олувчи феномен сифатида эътироф этилиб, жамият тараққиётида когнитив асос бўлиб хизмат қилишига оид хулоса ва таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 майдаги 285-сонли буйруғи асосида нашр этилган «Фуқаролик жамияти» номли ўқув қўлланманинг тайёрланишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 ноябрдаги 89-03-4820-сон маълумотномаси). Натижада, илмий таклиф ва тавсиялар ушбу ўқув қўлланмани назарий жиҳатдан такомиллаштиришга ҳисса қўшган;

сиёсий ижтимоийлашувнинг генезиси ва намоён бўлиш хусусиятлари аниқлаштирилган ҳамда ёшларда сиёсий фаоллик, ватанпарварлик, эркин

фикрлаш, ўзлигини англаш, манфаатдорлик каби хусусиятлар мониторингини олиб бориш мезонларига оид таклиф ва тавсиялардан умумий ўрта таълим мактаблари 8-синф ўқувчилари учун «Тарбия» дарслигини тайёрлашда фойдаланилган ҳамда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг ижтимоий лойиҳаларини амалга оширишда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2020 йил 11 ноябрдаги 01/11-01/5-1298-сон маълумотномаси., Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг 2020 йил 18 мартдаги 3-235-сон маълумотномаси). Мазкур назарий хулосалар ҳамда таклиф ва тавсияларнинг ушбу дарсликка киритилиши унинг назарий ва амалий жиҳатдан мукаммал бўлишига хизмат қилган, Партия томонидан «Меҳр улашайлик», «Менинг биринчи сайловим» ва «Ёшларга қўмак» номли лойиҳаларнинг самарали ижросига катта ҳисса қўшган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро, 7 та республика миқёсидаги анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий нашрларда, 8 таси республика нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Ишнинг тадқиқот қисми 122 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Глобаллашув шароитида толерантлик феноменининг назарий-методологик асослари»** деб номланади. Унда, ижтимоий-сиёсий фанларда толерантлик категориясининг назарий таҳлили, жамият ижтимоий ҳаётида толерантлик омилининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда замонавий глобал сиёсий жараёнларда толерантлик маданиятининг ўрни ва роли тадқиқ этилган.

Бугунги шиддат билан ўзгариб, янгиланиб бораётган дунёда ўзаро меҳр-оқибат, ишонч ва ҳамдардликка асосланган толерантлик омилининг ўрни ва роли каттадир. Толерантлик – бу ҳар бир муайян шахс, унинг фикри, нуқтаи назарининг ҳар қандай бошқа маданият, дунёқарашни, эътиқодни улар қандай

бўлса, шундайлигича қабул қилишга ҳозирлигини англатувчи мураккаб феномендир. Шунингдек, у бир-бирига ўхшамаган инсонларни бирга аҳилликда яшашга интилишини ҳам ўзида намоён этади. Толерантлик ижтимоий-сиёсий феномен сифатида антик даврда пайдо бўлган, у дунёни фуқаролик институти ва унга боғлиқ қадриятлар тизимига очиб берган эркинлик, тенглик, инсонга, унинг шахсига ҳурмат каби қадриятларни ўзида мустаҳкамлаган. Қадимги римликлар бу тушунчаларни қонун даражасига кўтардилар, уларнинг расмий доктринаси ва дипломатияси толерантликнинг тўла имтиёзларини эрта ўзлаштирди ва уни фуқаролик халқаро ҳуқуқи доирасидаги асосий меъёрларидан бирига айлантиришди[17].

Тадқиқот давомида, дунёда толерантлик маданияти шаклланишининг икки босқичини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкинлиги таъкидланади. **Биринчи босқич** – қадимги даврдан маърифат (ренессанс) давригача бўлган жуда кенг тарихий даврни ўз ичига қамраб олган. **Иккинчи босқич** – маърифат давридан бошланиб, либерал тафаккур генезисининг турли хил кўринишларида, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари концепцияси, конституционализмнинг ривожланиши, плюралистик демократия тамойиллари ва тинчлик, толерантлик ва мультикультурализм маданиятлари билан боғлиқ замонавий моделлар ёйилиши билан изоҳланади.

Мазкур бобда толерантлик илмий категориясини тадқиқ этган: Демокрит, Аристотель[18], Суқрот, Цицерон каби қадимги дунё мутафаккирлари, Ж.Локк, Ф.Вольтер, И.Кант, Т.Гоббс, О.Конт, Ж.Руссо сингари янги давр файласуфлари ижтимоий-сиёсий ғоялари таҳлил этилган. Шунингдек, россиялик Л.Н.Толстой, А.Швайцер, Н.К.Рерих, Ю.М.Лотман, В.С.Соловьёв, Н.Лосский, Н.Бердяев сингари олимлар асарларида мазкур феноменга берилган илмий баҳо қиёсий ўрганилган.

Масалан, Н.К.Рерих, ўзингизда сабр-тоқат ва бағрикенгликни тарбиялашнинг муҳим шарти - жаҳлни тийиш, қўрқув ва худбинликни енгиш ўзига ва ўзгага бўлган муҳаббатни ривожлантиради, дея эътироф этади. Н.К.Рерих бағрикенглик ғоясини ўзаро таъсирнинг фаол шакли сифатида илгари суриб, «ҳар бир инсон юрагида бошқалар билан мулоқотга, уларнинг дарду ғамига шерик бўлишга эҳтиёж сезади. Шунинг асосида у жамиятда шахс сифатида толерантликни мустаҳкамлайди, ўзаро ҳурмат ва консенсусга эришилади»[19], дейди. Бу эса, ўз навбатида, давлат ва жамият ҳаётида ижтимоий барқарорликни сақлаш, фуқаролар ўртасида ўзаро ҳурмат, биродарлик, ҳамжиҳатлик ва ижтимоий капитални мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, мазкур параграфда юртимиздан етишиб чиққан, буюк ва дунё тан олган: Имом ал-Бухорий, Абу Мансур ал-Мотурудий, Бурҳониддин Марғиноний, Имом ат-Термизий, Каффол аш-Шоший, аз-Замахшарий, Абу Бакр ал-Хоразмий, Юсуф Ҳамадоний, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, ал-Форобий,

---

[17] Романенко Л.М. Лики российской толерантности (Размышления участницы симпозиума) // Полис. 2002. №6. с. 176.

[18] Аристотель. Никомахова этика. Философы Греции., -Москва: ЗАО "Издательство "ЭКСМО-Пресс", 1997.

[19] Рерих Н.К. Мудрость в сказках и наставлениях // Серия «Жемчу- жины России». -М.: Амрита-Русь, 2009. -С.146.

Ибн Сино, ал-Беруний, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Юсуф Хос Хожиб, Исмоил Журжоний, Аҳмад Яссавий, Аҳмад Югнакий, Алишер Навоий каби ўнлаб олимларимиз диний ва илмий қарашларида бағрикенглик асосларига берилган таърифлар тадқиқотга тортилади.

Диссертацияда жамият *ижтимоий ҳаётида толерантлик омилининг ўзига хос хусусиятлари* борасида бир қанча ёндашувлар таҳлил этилган. Мазкур жараёнда, ўзаро ҳурмат, ўзгага нисбатан чидам ва муросалилик омилларини қамраб олган толерантлик маданияти - жамият тараққиётининг «конструктив» моделларидан бири эканлиги эътироф этилади. Бу ўринда толерантлик маданияти деганда, *ўз ҳуқуқ ва эркинликларини чекламаган ҳолда, ўзга инсонларга, воқелик ва жараёнларга нейтрал (ёки бағрикенг) муносабатда бўлиш омилини тушуниш мумкин*[20]. Ушбу берилган таъриф толерантликнинг моддий қийматини англатгани ҳолда, инсон – борлиқнинг асоси сифатида талқин қилинади. Бундан ташқари, ўзга акторни тушуниш ва ҳамкорлик қилишни билдиришда – *иштирок қилиш* принципи муҳим аҳамиятга эга. Акс ҳолда толерантлик фақатгина *чидам* – психологик омили асосида намоён бўлиб, жамиятда носоғлом ижтимоий муҳитни юзага келтириши мумкин. Мазкур ҳолатда шахснинг ўз оппоненти билан мулоқотга киришиши ва унинг позициясини ҳурмат қилиши толерантлик намоёни сифатида қаралади.

Мазкур параграфда дунёда либерал мафкура ва гуманистик ғояларнинг кенг ёйилиши, ўз навбатида, толерантлик маданиятини ҳам янги қирралар билан бойитиб боришига алоҳида урғу берилади. Бугунги кунда толерантлик маданиятининг ривожланиши либерализмнинг ривожланиши билан узвий боғлиқдир, чунки у ўзининг хилма-хиллиги бўйича либерал парадигма бўлиб, зарур ижтимоий-сиёсий муҳитни яратишда, ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни ҳал қилишда ҳамда жамиятда сиёсий консенсусга келишда муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда шахснинг, айниқса, ёшларнинг «ҳаёт субъекти»га айланиши, ижтимоий фаоллиги, бошқа халқлар маданиятига қизиқишини шакллантириш, бир сўз билан айтганда, толерантликни шакллантириш осон содир бўладиган жараён эмас. Бирок, таниқли психолог С.Л.Рубенштейн, буюк санъат ва маданият дурдоналари ижодкор ҳаётининг чўққиси бўлса-да, ҳаётнинг маълум бир онидир, улар ҳаётининг қолган пайтлари «ҳеч қандай эътиборсиз, паст даражада кечади», деб ёзади[21]. Демак, ҳаёт инсоният учун идеал бўлган шахслар мисолида ҳам, керакли савия ва маҳсулдорликда, маънавий даражада кечавермайди. Ҳаёт билан идеал ўртасидаги қарама-қаршилик инсон учун ҳаётни, яшашни муаммога айлантиради[22]. Инсоннинг «ҳаёт субъекти» бўлиши учун у ушбу қарама-қаршиликни позитив ҳал этиши, яъни «ҳаётни яратиш ва қуришга» ўтиши лозим.

Ушбу бобда, қолаверса, диний ва дунёвий бағрикенглик ғояси хилма-хил тафаккурга эга бўлган кишиларнинг бир заминда, бир Ватанда яхши ниятлар

---

[20] Медушевский Н.А. Основы толерантности и правовой культуры. -М.: ЛЕНАНД, 2014. – С. 33.
[21] Славская К.А. Стратегия жизни. -М.: «Мысль», 1991. -С. 29.
[22] Ўша жойда.

йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатиши алоҳида таъкидланади. Асрлар мобайнида дин аксарият маънавий қадриятларни ўзида мужассам этиб келмоқда. Ислом барча жаҳон динлари сингари "йўлдан чиққан инсониятни залолатдан халос этишнинг батамом янги йўлини тарғиб қилган, халқлар ўртасига нифоқ солиш ғоясидан умуман йироқ бўлган"[23]. Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонда чуқур илдиз отиб, кўп жиҳатдан ушбу ҳудуддаги халқларнинг ижтимоий идеаллари, хулқ-атвори, хатти-ҳаракатига мувофиқ бўлган қатъий мезон ва меъёр даражасига кўтарилган моҳият йўналишини юқоридаги фикрга ҳамоҳанглигини биз тарихдан жуда кўп мисоллар ёрдамида кўришимиз мумкин. Демак, инсон маънавиятининг ажралмас қисми бўлган дин ва дунёвийлик, миллат ва миллийлик билан мураккаб ўзаро боғлиқликни ташкил этади. Бунда айнан толерантлик – турли хил шаклдаги тоқатсизлик ва муросасизлик каби носоғлом ижтимоий муносабатларнинг олдини олиш каби функцияларни бажариб келади.

Мутафаккир А.Авлоний таъкидлаганидек, инсонни улуғлайдиган, безайдиган яхши хулқлардан ҳисобланган - одамгарчилик, инсонпарварлик туфайли оламга маданият, маърифат, адолат уруғлари ёйилади. «Одамгарчиликка, инсонийликка путур етса, дейди А.Авлоний, мусулмонларнинг дилига иттифоқ ўрнига нифоқ, адолат ўрнига зулм, муҳаббат ўрнига адоват, ғайрат ўрнига атолат (муртадлик), мурувват ўрнига ғазаб, - саҳоват ўрнига бухл (бахиллик), тавозеъ ўрнига кибр, садоқат ўрнига ифтиро (бўҳтон), шафқат ўрнига ҳасад, ҳурмат ўрнига хусумат, қаноат ўрнига тамаъ, - сабр ўрнига ғурур, иқтисод ўрнига исроф, авф ўрнига даҳшат, саъй ўрнига сафоҳат (нодонлик), ғайрат ўрнига хуруфот (бидъат) аралашади»[24]. Шундай экан, инсонлар жамиятда бағрикенг бўлиши, ўзига ва ўзгага нисбатан ижтимоий адолат тарозисини қатъий ўрнатиши лозим. Жамият тараққиёти айнан шу – толерантлик (бағрикенглик) маданияти орқали тараққий этиб боради.

Диссертацияда глобал ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг тобора ривожланиши ва ўзгариб бориши инсоният олдида янгидан-янги масалаларни кун тартибига олиб чиқиши борасидаги илмий таҳлиллар келтирилади. Бу жойда, *нега бугунги кунда жамиятда интолерантлик ва экстремизмнинг кўринишлари пайдо бўлмоқда?* деган савол ўртага чиқади. Олимлар бу борада жамиятнинг тараққиётидан келиб чиқиб, турлича жавоб беришмоқда («постиндустриал жамият», «ахборотлашган жамият» ва бошқа омиллар). Э.Гидденснинг эътирофича бу – «қўлдан чиқарилган дунё», янги қоидалар билан характерланадиган дунёдир. Мазкур таъбирлар, энг аввало, глобаллашув жараёнлари сабаб шаклланмоқда. «Глобаллашув» тушунчасининг пайдо бўлганига кўп вақт бўлмаган бўлса-да, мазкур ғоянинг ўзи – энг ёш сиёсий конструкциялардан бири ҳисобланади. Ҳатто, дунёдаги энг йирик маълумотлар базасига эга бўлган АҚШ Конгресси кутубхонасида 1987 йилгача глобаллашув тўғрисида бирорта манба мавжуд бўлмаган[25]. Глобаллашувни тадқиқ этишда

[23] Кандаланцев В. Параллели христианства и буддизма. // Вопроси философии-№3. 2001. -С. 168.
[24] Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. -Т.: 1967. – Б. 31.
[25] Устинова И. В. Политическая толерантность и формы ее проявления в современном обществе / И.В. Устинова // Наука и образование современной Евразии: традиции и инновации: Сборник научных статей.

сиёсий жараёнлар ва шахслараро ижтимоий муносабатларни ўзида қамраб олувчи толерантлик феномени ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шуни таъкидлаш лозимки, глобаллашувнинг ёрқин намунаси сифатида, бугунги кунда на макон, на замон ўлчовларини тан олмайдиган *маданиятлараро мулоқот* шаклланмоқда. Олдинлари ҳудудий чегаралар локал жамиятларни ташқи дунё ёки ўзга жамиятлардан тўсиб (гоҳида ҳимоялаб) турар эди. Бугунга келиб эса, мазкур жисмоний чекловлар деярли йўқ бўлиб, турли маданият ва процессларнинг ер шари бўйлаб ёйилиш жараёни кечмоқда. Маданиятларнинг ёйилиши, аралашуви ва ўзаро уйғунлашувида, энг аввало, оммавий ахборот воситалари ва ўзида туризм, меҳнат ва мажбурий кўчишларни қамраб олган миграция жараёнлари муҳим роль ўйнамоқда.

Шу билан бир қаторда, бугунги кунда маданиятларнинг ассимиляцияси содир бўлмоқда. Мазкур ижтимоий-маданий ҳодисани Е.Молевич, жаҳон ижтимоий-маданий жараёнларида ҳаёт тарзининг глобал унификацияси: инсонларда бир хилдаги кийим кийиш, бир хилдаги мусиқа тинглаш, бир хилдаги одат ва қадриятларнинг шаклланиши ҳамда ахборот алмашинуви тобора кучайди. Бир сўз билан айтганда, маданий универсаллашувга асосланган глобал жараёнларни кечиктириш, мураккаблаштириш мумкин, лекин уларни асло тўхтатиб ёки бекор қилиб бўлмайди, чунки мазкур жараён ҳозирги дунёнинг объектив қонуниятларига ва эҳтиёжларига асосланади, дея тасвирлайди.

Шуни ҳам эътироф этишимиз лозимки, бугун жамиятимизда учраб турадиган бағрикенглик ғоясига зид салбий ҳолатлар – бефарқлик, муросасизлик, ҳасадгўйлик, манманлик, ҳақиқатни менсимаслик, носоғлом таниш-билишчилик, маҳаллийчилик, мансабпарастлик ва ҳоказоларнинг мавжудлиги ачинарли ҳолат ҳисобланади. Бу ҳақда тўхталганда, уларни бартараф этишнинг қуйидаги механизмларини келтириш мумкин: жамиятда эркин фикр, ғоялар хилма-хиллиги (плюрализим), танқид ва ўз-ўзига нисбатан танқид муҳитини яратиш; шахслараро ижтимоий муносабатда тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатлар уйғунлиги ва ҳуқуқий маданият омилларини сингдириш; демократия, ошкоралик ва шаффофлик муҳитини кучайтириш; соғлом ва эркин рақобат муҳитини яратиш; жамиятда илм-маърифат ва тарбиянинг мавқеини оширишга эришиш.

Тадқиқот ишининг иккинчи боби **«Жамият сиёсий тараққиётида ёшлар ижтимоий фаоллиги ва толерантлигини ошириш муаммолари»** деб номланиб, унда ёшлар сиёсий маданияти ва фаоллиги, мамлакатда ижтимоий барқарорликни таъминлашда сиёсий маданият ва толерантликнинг ўрни ҳамда фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида ёшлар сиёсий толерантлиги масалалари тадқиқ этилган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда давлат ва жамият бошқарувини модернизациялаш жараёнларида ёшлар сиёсий маданияти ва толерантлигини оширишни даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Мамлакатимизнинг тарихий

Материалы Евразийского научного форума, посвящённого 300-летию со дня рождения М.В. Ломоносова. 24-28 октября 2011 г. Часть третья. / Под. ред. М.Ю. Спириной, С.М. Елисеева, Е.Е. Ланиной. — СПб.: МИЭП, 2012. - С. 212.

истиқболи, асосан, ёшлар қатламининг қандай ижтимоий-сиёсий қадриятлар ва меъёрлар, ғоялар ва анъаналарни ўзига сингдириши билан боғлиқ ҳолда кечади. Мамлакатда фуқаролик жамияти ривожланиши даражаси, энг аввало, ёшларнинг сиёсий фаоллиги ва фуқаролик позицияси орқали аниқланиши мумкин[26].

Мазкур бобда сиёсий маданият феномени атрофлича тадқиқотга тортилган. Сиёсий маданият тушунчаси анча кейин пайдо бўлган категория бўлиб, уни илмий муомалага XVIII асрда немис файласуфи И.Гердер олиб кирган. Замонавий сиёсатшуносликда «сиёсий маданият» тушунчаси америкалик назариётчи Х.Файернинг 1956 йилда ёзилган «Европанинг буюк давлатлари бошқарув тизими» китобида тилга олинади. Кейинчалик, Г.Алмонд ва С.Верба ўзларининг «Фуқаролик маданияти» (1963 й.) қитобида мазкур феноменни янада бойитишди.

«Сиёсий маданият» турли авлодларнинг сиёсий қадриятлар ва идеалларини узоқ вақт давомида излаши, уларни амалда синаш ва татбиқ қилишда синчковлик билан танлаши натижасида пайдо бўлади[27].

Шу ўринда, диссертацияда таъкидланганидек, «толерантлик» – фақатгина назарий тушунча бўлмай, у энг аввало, маълум маданият ва цивилизациянинг муҳим элементи ҳам ҳисобланади. Агарда маданият категориясини биз у ёки бу жамиятнинг тарихан шаклланган қадриятлари, анъана ва нормаларининг йиғиндиси сифатида тушунадиган бўлсак, унинг фундаментал асосини толерантлик ташкил этишига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Замонавий ижтимоий-сиёсий фанларда мазкур феноменларнинг йиғиндисидан ташкил топган бир қанча илмий қарашлар мавжуд. Шулардан бири *космоцентрик (ёки умуминсоний) маданият*дир. Космоцентрик маданият ёки бўлмаса, умуминсоний маданият ўзида миллатлараро, динлараро ва ирқлараро бағрикенглик анъаналарини уйғунлаштиради. Замонавий европалик олимлар А.Швейцер, Э.Фромм, Ю.Лотман ва бошқаларнинг асарларида маданият ва толерантлик «битта қушнинг иккита қаноти» сифатида эътироф этилади. Мазкур йўналишларнинг иккинчиси бу – *социоцентрик маданият* ҳисобланади[28]. Ушбу ижтимоий-маданий йўналишнинг ўзига хослиги шундаки, унда борлиқнинг марказини шахс ва унинг социумда тутган ўрни ташкил этади. Мазкур ижтимоий муносабатларда индивиднинг «мен» ва «у» каби жиҳатларга ажратиш жараёни кечади. Бунда толерантлик омилининг шаклланиши ва ривожи ўша индивидуал эгоизмнинг олдини олишга кўмак беради. Бу жойда, толерантлик, энг аввало, социал интегратор вазифасини ўтаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида асосан, *биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва*

---

[26] Шарифходжаев М. Формирование открытого гражданского общества в Узбекистане. -Т.: Узбекистан, 2002.
[27] Шерниязова Г.У. Проблемы взаимоотношения демократии и политической культуры в Республике Узбекистан. Автореф. дисс. канд. политических наук. -Т.: АГОС, 2001.
[28] Жигунова Г. Толерантность как ценность гражданского общества. –М.: “Власть”. 2010 №01. -С. 61.

тарбиялаш энг муҳим вазифа[29] эканлигига урғу берилиб, БМТнинг «Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция»си ҳамда «Маърифат ва диний бағрикенглик» резолюциясини қабул қилиш ташаббуслари илгари сурилади.

Диссертацияда *мамлакатда ижтимоий барқарорликни таъминлашда сиёсий маданият ва толерантликнинг ўрни* таҳлил этилади. Толерантлик умумий ақл-фаросат ва ахлоқий толерантликнинг гўзал заминида ўсиб етиладиган инсониятнинг абадий идеал ҳолати бўлиб қололмаслиги табиий ҳол. Индивидлар оммаси ёки ақалли кўпчилиги умумий манфаатларга риоя қилишга, бағрикенг бўлишга, умумий фаровонлик ва ҳамжиҳатлилик йўлида бирлашиши, фидойиликка чорлаш ва эзгулик қадриятларини тарғиб қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, Ўзбекистон кўпмиллатли, кўп динли, турфа хил маданиятли мамлакат ҳисобланади. Ижтимоий-сиёсий тараққиёт анъанавий маданиятни замонавий белгилар, янги анъаналар билан уйғунлаштиришни талаб этади. Маданиятлардаги инновациялар умумий ижтимоий-маданий макондаги маданий плюрализм анъаналарига мос келиши, ушбу анъаналарни инкор этиш эмас, балки уларни моҳиятан ва шаклан бойитиш йўлидан бориши даркор. Анъанавий маданият консерватив характерга эга. Айнан шу белги маданиятнинг миллийлигини таъминлайди. Толерантлик маданияти анъанавий маданиятдаги ушбу қадриятларга таяниши зарур.

Шунингдек, маҳаллалардаги толерантлик дейилганда, ўзбек халқига хос бўлган ижтимоий-маданий институт сифатида оилалар билан жамият ўртасидаги муносабатларни шакллантиришга, мустаҳкамлашга хизмат қилиш тушунилади. Маҳалла ижтимоий-маданий институт сифатида: 1) хўжалик; 2) диний; 3) маросимий; 4) ижтимоий-маиший соҳалар билан боғлиқ вазифаларни бажаради[30]. Маҳалладаги муносабатлар, асосан, ушбу йўналишлардаги ҳаёт соҳаларида намоён бўлади.

Тадқиқот ишида *фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида ёшларнинг ўрни ва роли* ўрганилган. Унга кўра, турли илмий адабиётларда ёшлар категориясига турлича ёндашув асосида таъриф берилиши эътироф этилиб, ёшлар – бу, энг аввало, жамиятда алоҳида статусига эга бўлган ижтимоий-биологик ва ижтимоий-маданий гуруҳ ҳисобланади. Айрим тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, ёшлар қатлами деганда, жамият томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланувчи, алоҳида имтиёзларга эга, лекин айрим ижтимоий муносабатларда фаол ҳаракати чекланган инсонлар социуми тушунилади[31]. Ёшлар ҳар бир суверен давлатнинг стратегик салоҳияти ҳисобланади. Мамлакатнинг демократик тараққиёти ёшларнинг, асосан, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги позицияси, уларнинг эртанги кунга ишончи ва ижтимоий фаоллиги билан ўлчанади. Шу ва бошқа омиллар сабаб бугунги кунда ёшлар масаласи ва ёшлар сиёсати давлатнинг асосий фаолият мезонига айланиб улгурди. И.С.Кон ёшлар – бу ёш тавсифларининг умумийлиги,

---

[29] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқи. (электрон манба) http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017

[30] Қаранг: Современные этнокультурные процессы в махаллях Ташкента. -Т.: «Фан», 2005. -С. 13.

[31] Философская энциклопедия. -М., 1969. -С.102.

ижтимоий ҳолатнинг ўзига хослиги ва асосланган у ёки бу ижтимоий-руҳий хусусиятлар асосида ажратиб олинадиган ижтимоий-демографик гуруҳдир, деб ҳисоблайди.

